



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

2021 йил «9» ноябрь

247-11-0-F/21

Фарғона вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28, 126-моддаларига ва “Маҳаллий давлат ҳокимиияти тўғрисида”ги Қонуенинг 6, 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи яқунлари бўйича тасдиқланган мажлис баёнининг 81-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори ва Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2020 йил 12 декабрдаги VI-XXIII/119-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда вилоят молия бош бошқармаси ва мактабгача таълим бошқармасининг билдиришномасини инобатга олиб,

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида мактабгача таълим қамровини янада ошириш чоралари кўрилиши белгиланганлиги ҳамда Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2020 йил 12 декабрдаги VI-XXIII/119-сонли қарорида мактабгача таълим муассасаларининг бўш турган майдонлариға енгил типдаги боғчалар (контенерли) қуриш ҳисобига болаларни қўшимча қамраб олиш ва қамров қўрсаткичларини ошириш вазифаси белгиланганлиги инобатга олинсин.

Мазкур топшириклар ижросини таъминлаш мақсадида вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 28,8 млрд сўм маблағ тегишли шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ўtkазиб берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, аҳоли зич жойлашган ва мактабгача таълимга эҳтиёж юқори

бўлган ҳудудларда енгил типдаги болалар боғчаси ташкил этиш ишларининг 3-босқичи учун 14 540,0 млн.сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилганлиги назарда тутилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган мажлис баёнининг 81-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан вилоятда аҳоли зич жойлашган ва мактабгача таълимга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларда енгил типдаги (контенерли) 90 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси ташкил этиш ишлари бўйича молиялаштиришни очиш билан боғлиқ харажатларга вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йил III чорак даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 7 270,0 (етти миллиард икки юз етмиш) миллион сўм маблағ иловага мувофиқ шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ўtkазиб берилсин.

3. Вилоят мактабгача таълим бошқармаси (Ходжаева) ҳамда тегишли шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:

ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва уни белгиланган тартибда иловада келтирилган мактабгача таълим муассасаларида енгил типдаги болалар боғчаси ташкил этишга мақсадли йўналтирилишини таъминлаш;

мактабгача таълим муассасаларида енгил типдаги болалар боғчаси ташкил этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш ҳамда мазкур лойиҳани қисқа муддатларда амалга ошириш ва жорий йил якунига қадар ишга тушириш чораларини кўриш;

молиялаштириш манбасини очиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни тегишли молия ва ғазначилик бўлимларига тақдим этилишини назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринbosарлари Д.Ходжиахмедов ва Ф.Қосимов, мактабгача таълим бошқармаси (Ходжаева), Молия бош бошқармаси (Рўзалиев) Кадастр агентлиги бошқармаси (Машрапов), Санитария-эпидемиология осойишталик маркази (Маликов) тегишли шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда енгил типдаги болалар боғчаси ташкил этиш ҳамда мазкур муассасалар фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича

тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш чораларини кўрсинглар.

5. Вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев)га ажратилган маблағларни белгиланган тартибда иловада белгиланган туманлар маҳаллий бюджетларига ўтказиб бериш, вилоят ғазначилик бошқармаси (А.Фойипов)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси (С.Жўраев)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

6. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Р.Камолов) мазкур фармойиш билан ажратилган маблағлар тўғрисида ҳисботларни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йигилишида муҳокама этилишини ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилишини назоратга олсин.

7. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Д.Ходжиахмедов ва Ф.Қосимов зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров

Фарғона вилоят ҳокимининг
2021 йил 9 ноябрдаги
247-11-0-F/21-сон фармойишига
1-илова

**Фарғона вилоятидаги мактабгача таълим ёшидаги болалар қамровини ошириш мақсадида қўшимча гурух хоналарини қуришга
эҳтиёжи бўлган мактабгача таълим ташкилотлари ва улар учун ажратиладиган маблағлар**

МИҚДОРИ

№	Худудлар номи	Манзили	МТМ номи	Мавжуд куввати	Худуддаги 3-7 ёшдаги болалар сони	Катнаётган болалар сони	Камров дарражаси (%)	Камраб олинмаган болалар сони	Қўшимча ташкил этиладиган ўрин	Жами талаб этиладиган маблағ (млн.сўм)	Молиялаштиришин очиш учун ажратиладиган 50 фоиз маблағ (млн.сўм)
1	Қўқон шаҳар	Исломобод МФЙ	2-сонли МТТ	320	624	150	24,0%	474	320	580,0	290,0
2	Бағдод тумани	Қоракўл МФЙ	32-сонли МТТ	150	398	214	53,8%	184	90	580,0	290,0
3	Бешариқ тумани	Адирабод МФЙ	собик 44-МТТ	240	350	0	0,0%	350	240	620,0	310,0
		Қорақўйли МФЙ	48-сонли МТТ	70	220	100	45,5%	120	90	580,0	290,0
4	Бувайда тумани	Найман МФЙ	16-сонли МТТ	90	428	178	41,6%	250	90	580,0	290,0
		Маслаҳат МФЙ	25-сонли МТТ	90	380	180	47,4%	200	90	580,0	290,0
		Ҳасанқўргонча МФЙ	40-сонли МТТ	240	270	0	0,0%	270	240	580,0	290,0
5	Данғара тумани	Мусабек МФЙ	61-сонли МТТ (22-МТТ ф)	50	123	0	0,0%	123	90	580,0	290,0
6	Ёзёвон тумани	Қоратепа МФЙ	23-сонли МТТ	90	367	108	29,4%	259	90	580,0	290,0
7	Кува тумани	Кайрма МФЙ	12-сонли МТТ	90	343	125	36,4%	218	90	580,0	290,0
8	Қўштепа тумани	Соҳибкор МФЙ	6-сонли МТТ	90	276	175	63,4%	101	90	580,0	290,0
		Ўқчи МФЙ	32-сонли МТТ	140	384	215	56,0%	169	90	580,0	290,0
9	Олтиариқ тумани	Қизилтепа МФЙ	7-сонли МТТ	150	744	210	28,2%	534	90	580,0	290,0
		Файзаобод МФЙ	31-сонли МТТ	140	330	189	57,3%	141	90	580,0	290,0
10	Сўҳ тумани	Соҳибкор МФЙ	26-сонли МТТ	120	300	0	0,0%	300	120	580,0	290,0
11	Риштон тумани	Абдуллабаён МФЙ	39-сонли МТТ	60	218	72	33,0%	146	90	580,0	290,0
12	Тошлок тумани	Тошлоқ ШФЙ	21-сонли МТТ	150	294	180	61,2%	114	90	580,0	290,0
		Хотинқуми МФЙ	3-сонли МТТ	150	420	210	50,0%	210	90	580,0	290,0

		Учкўприк МФЙ	1-сонли МТТ	180	600	260	43,3%	340	90	580,0	290,0
13	Учкўприк тумани	Бегмурод МФЙ	16-сонли МТТ	200	412	222	53,9%	190	90	580,0	290,0
		Тинчлик МФЙ	9-сонли МТТ	420	644	450	69,9%	194	90	580,0	290,0
14		Даханақақир МФЙ	12-сонли МТТ	200	618	260	42,1%	358	90	580,0	290,0
	Ўзбекистон тумани	Тинчлик МФЙ	16-сонли МТТ	125	614	195	31,8%	419	90	580,0	290,0
15		Логон МФЙ	52-сонли МТТ	280	407	298	73,2%	109	90	580,0	290,0
16	Фурқат тумани	Кушчи МФЙ Хамра кишлоғи	Янги МТТ	0	146	0	0,0%	146	90	580,0	290,0
Вилоят бўйича жами			25 та	3 835	9 910	3 991	40,3%	5 919	2 810	14 540,0	7 270,0

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Бешарик тумани МТБ мудири

Ш.Бараталиева



Техник топширик

Бешарик тумани МТБ тасарруфидаги 48-сонли МТТ худудида енгил конструкцияли иншоотларни ўрнатиш ва капитал таъмирлаш ишлари

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати
1.	Ташаббускор номи	Бешарик туман мактабгача таълим бўлими
2.	Лойиҳани танлашга жойлаштиришга асос бўладиган хужжат	Вилоят хокимининг фармойиши
3	Энг яхши таклифларни танлаш тури	Электрон
4.	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблағлари
5.	Агробанк» АТБ Фаргона вилоят бошқармаси маъмурий биносинида олиб бориладиган мукаммал таъмирлаш ишлар	48-сонли МТТ худудида енгил конструкцияли иншоотларни ўрнатиш ва капитал таъмирлаш ишлари. Лойиха смета иш хажми илова қилинади. Махсус электрон портал: http://etender.uzex.uz жойлаштирилган.
6.	Буюртмачи жойлашган жой	Бешарик шаҳри, Сирдарё кўчаси 12-үй
7.	Буюртманинг мақсад ва вазифалари	48-сонли МТТ худудида енгил конструкцияли иншоотларни ўрнатиш ва капитал таъмирлаш ишлари
8.	Танлаш (конкурс) Хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш учун манзил	Махсус электрон портал: http://etender.uzex.uz
9.	Таклифни амалга ошириш муддати	http://etender.uzex.uz сайтда эълон қилинган кундан бошлиб 7 кун
10.	Танлаш (конкурс) таклифларини қабул қилиш манзили ва вакти	Таклифларни қабул қилиш муддатининг охири http://etender.uzex.uz сайтда кўрсатилган
11.	Танлаш (конкурс) тили	Ўзбекча, русча

12.	Иштирокчига қўйиладиган талаблар	<p>1. Иштирокчи солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар буйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумот(солиқ инспекцияси қайдномаси).</p> <p>2. Банкдаги хисоб рақамида пул маблағи мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.</p> <p>3. Молиявий холати тўғрисида маълумотлар. (Баланс ва молиявий натижа)</p> <p>4. Хақиқатда ишлаётган (доимий ишчилар рўйхати).</p> <p>5. Тижорат таклифи ва бажариладиган ишлар офертаси.</p>
13.	Етказиб туриш бўйича талаблар	<p>Иштирокчи талаб қилинадиган талаблар бўйича (бажарилган ишлар, хизматлар) барча бандлари бўйича ишларни ўз вақтида сифатли бажариши керак.</p> <p>Иштирокчи қилинган ишлар бўйича буюртмачига хисобот тақдим этиши лозим.</p>
14.	Товар (ишлар, хизматлар) ларни етказиб бериш (ишни бажариш) мурдати	30 кунда
15	Буюртмачининг лойиха сметаси бўйича бошланғич баҳоси	290 000 000 сўм
16.	Лойихани молиялаштириш	Олдиндан 30 фоиз аванс қолган маблағ Бажарилган иш далолатномасига асосан тўлаб борилади. (форма2)
17.	Бирламчи хужжатлар рўйхати	Техник топширик, бажарилган ишлар , лойиха смета иш хажми.
18.	Контракт валютаси	Сум
19.	Маълумотлар учун телефон	94-494-06-08